«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг
2026 йил январь–сентябрь ойларидаги
асосий фаолият натижалари

2026 йилнинг 9 ойлиги якунида жами даромадлар 17 810,2 млрд сўмни ташкил этди. Бизнес-режа 118,7 фоизга, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 126,2 фоизга бажарилди. Юк ва йўловчи ташиш хизматларидан даромадлар эса 14 408,5 млрд сўмни ташкил этиб, режага нисбатан 122,1 фоизга бажарилди.

Жами харажатлар 14 565,3 млрд сўмни ташкил этди ва режага нисбатан 110,9 фоиз бўлди. Соф фойда 2 676,2 млрд сўмни ташкил этиб, режага нисбатан 174,6 фоизга кўп бажарилди.

2026 йил 9 ойида 83 736,9 минг тонна юк ташилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,3 фоизга бажарилди.

Юк айланмаси 26 193,0 млн тонна-кмни ташкил этиб, режага нисбатан 118,0 фоизга бажарилди. Транзит юк ташиш миқдори 13 113,4 минг тоннани ташкил этди ва режа 125,8 фоизга бажарилди.

2026 йил 9 ойида 9 125,7 минг нафар йўловчи ташилди. Режа 100,8 фоизга бажарилди. Йўловчи айланмаси эса 3 557,3 млн йўловчи-кмни ташкил этиб, режа 100,7 фоизга бажарилди.

Экспорт ҳажми 693,5 млн АҚШ долларини ташкил этди ва режага нисбатан 133,7 фоизга кўп бажарилди.

Инвестициялар бўйича 312,5 млн АҚШ доллари ўзлаштирилиб, режа 100,4 фоизга бажарилди. Шундан хорижий инвестициялар ва кредитлар 196,4 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 245,0 млрд сўмни ташкил этиб, режа 128,1 фоизга бажарилди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 555,0 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва режа 101,4 фоизга бажарилди.

Дебитор қарздорлик миқдори 2026 йил 1 октябрь ҳолатига 5 417,9 млрд сўмни, кредитор қарздорлик эса 3142,2 млрд сўмни ташкил этди.